

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/ 30.01.2020. Ped. 26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАХАМЕТОВА ДИЛНАВОЗ БОТИРОВНА

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ
АМАЛИЙ ИНГЛИЗ ТИЛИ КЎНИКМАЛАРИНИ
АУДИТОРИЯДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРДА
РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD)**

**Contents on pedagogical sciences dissertation abstract of the doctor of
philosophy (PhD)**

Махаметова Дилнавоз Ботировна

Олий таълим муассасалари талабаларининг амалий инглиз тили кўникмаларини аудиториядан ташқари машғулотларда ривожлантириш 3

Махаметова Дилнавоз Ботировна

Развитие практических навыков английского языка у студентов высших учебных заведений во внеаудиторных занятиях..... 21

Makhametova Dilnavoz Botirovna

Development of practical english language skills in extra curricular activities students of higher educational institutions 40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 44

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/ 30.01.2020. Ped. 26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАҲАМЕТОВА ДИЛНАВОЗ БОТИРОВНА

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ
АМАЛИЙ ИНГЛИЗ ТИЛИ КЎНИКМАЛАРИНИ
АУДИТОРИЯДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРДА
РИВОЖЛАНТИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ– 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Ped408 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Уста-Азизова Дилноза Ахраровна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Ҳакимова Муҳаббат Файзиевна
педагогика фанлари доктори профессор

Қодирова Фазилат Шукуровна
педагогика фанлари буйича фалсафа доктори
(PhD)

Етакчи ташкилот:

Самарканд давлат чет тиллар институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « ____ » ____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-82-32.)

Диссертация автореферати 2022 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2022 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Б.С.Абдуллаева
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Р.Г.Исянов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доц.

Н.А.Муслимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
п.ф.д. профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиш шароитида хорижий тилларни дунё миқёсида ўқитиш сифатини ошириш ва бир хиллигини CEFR (Common European Framework of Reference for Language) малака талаблари асосида таъминлашга эришишнинг педагогик механизмлари таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. Бўлажак мутахассисларнинг мустақил, аудиториядан ташқари фаолиятини ривожлантириш муаммолари билан ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Европа университетлари ассоциацияси, Олий таълим сифатини таъминлаш Европа тармоғи халқаро ташкилотлари амалий инглиз тилини, халқаро мулоқот тили сифатида инглиз тилини касбий талаблар даражасида ўрганишда аудитория ва аудиториядан ташқари мустақил таълимни амалий кўникмаларга устуворлик берган ҳолда ташкил этишга қаратилган йирик лойиҳаларни жорий этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳоннинг етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида умумевропа CEFR талаблари асосида амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантириш, ўқитиш мазмуни ва таълим технологияларини такомиллаштириш, турли давлатлар талабаларининг касбий компетентлигини ўзаро ҳамкорлик асосида ривожлантириш, амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантириш даражасини диагностика қилиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, бўлажак мутахассисларни амалий инглиз тилини ўқитишда компетенциявий ёндашувни жорий этиш, инглиз тилини ўқитиш сифатини бошқариш тизимини такомиллаштириш, инновацион таълим усулларини кенг жорий этиш, ижтимоий коммуникативликни фаоллаштириш, лингвистик тайёргарликни ошириш бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда сўнгги йилларда олий таълим тизимини рақамли иқтисодиёт талабларига мос модернизациялаш, соҳага замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда инновацион таълим усулларини кенг жорий этиш, талабаларнинг амалий инглиз тилидан кўникмаларини аудиториядан ташқари машғулотларда халқаро малака талаблари асосида ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари ҳамда методик ва моддий-техник базаси яратилди. “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, хорижий тилларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш, таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш”¹ устувор вазифалар сифатида белгиланди. Натижада, олий таълим муассасаларида талабаларнинг амалий инглиз тили аудиториядан ташқари машғулотларда билим ва кўникмаларини янада ривожлантиришга шароит яратилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т.: 2017. –Б.39.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” фармони, 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 143-сон “2013-2016 йилларда таълим муассасаларининг чет тиллари кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация, ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш)ни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори ҳамда ПФ-6097-сон 2020 йил 29 октябрдаги Илм фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришининг

I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда А.Абдуазизов, Л.Т.Ахмедова, Г.Ҳ.Бакиева, Ж.Жалолов, Ф.Ибрагимова, Г.Махкамова, Х.Маматкулов, К.Ж.Рискулова, Ф.Саидова, Т.Саттаров, У.Х.Хошимов, Д.Хошимова, Ф.Юзликбаев, М.Ш.Қодировалар олий таълим муассасаларида инглиз тилларини ўқитиш ва сифатини бошқаришнинг дидактик ва методик жиҳатларини тадқиқ этишган.

Олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитишда коммуникатив, ижтимоий ва амалий-фаолиятли мослашувчанлик жиҳатларини Р.С.Арефьев Н.И.Аршинова, Н.А.Беленюк, Т.И.Густомясова, Н.Ж.Дагбаева, С.Р.Дортман, И.А.Зимняя, О.Ю.Пестрецова, М.В.Селиверстова, О.И.Халупо, Е.И.Шеваршинова, Е.С.Нечаева, Л.П.Павлова, Ю.Ю.Ковалева, В.В.Волов, Е.И. Соколовалар тадқиқ этишган.

Тилларни ўргатиш жараёнида мулоқот юритиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг турли жиҳатлари хорижий давлат олимлари G. J.Brumfit, K. Johnson, Finocchiaro Mary, Gower Roger, Walters Steve, Nunan David, L. Cherylлар томонидан татбиқ этилган.

Диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-197 ракамли «Инглиз ва немис тилларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий модуллардан фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2015-2017 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасаларида талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини аудиториядан ташқари машғулотларда ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини аудиториядан ташқари машғулотларда ривожлантириш имкониятларини фалсафий, педагогик ва психологик таҳлил этиш;

олий таълим муассасалари талабаларининг аудиториядан ташқари машғулотларда ижодий фаоллигини ривожлантириш мотивацияларини такомиллаштириш;

аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларнинг ижодий фаолиятини асосий жиҳатларини такомиллаштириш;

аудиториядан ташқари машғулотларда дидактик воситалар билан узвий алоқани таъминлаш асосида талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасалари талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини аудиториядан ташқари машғулотларда ривожлантириш жараёни белгиланиб, Урганч давлат университети, Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 196 нафар талабалари иштирок этган.

Тадқиқотнинг предметини олий таълим муассасалари талабаларининг амалий инглиз тили кўникмаларини аудиториядан ташқари машғулотларда ривожлантиришнинг шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, социологик методлар (анкета, савол-жавоб, суҳбат, эксперт баҳолаш), педагогик тажриба-синов, математик статистика усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

олий таълим муассасалари талабаларининг амалий инглиз тилидан кўникмалари тилни ривожлантириш учун шароит яратиш, оғзаки, мажозий, ўзини ўзи ривожлантиришнинг конструктив-технологик ва интеллектуал-ижодий параметрларини ижодий ва танқидий фикрлашга йўналтириш асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг дарсдан ташқари машғулотлардаги фаолияти таълим олишга қизиқишлари, коммуникативлик, ишчанлик қобилияти, эмоционаллик даражаларини гомоген ва гетероген гуруҳларда коммуникатив жараёнларни босқичма-босқич фаоллаштириш асосида такомиллаштирилган;

аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларнинг ижодий фаолиятини репродуктив ва маҳсулодор даражалари “ENGLISH CLUB” тўғрақларида дидактик жараёнларнинг педагогик мақбул ечимларни топиш ва натижага эришишнинг босқичларини аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг аудиториядан ташқарида мустақил фикрлашини ривожлантириш касбий фаоллик, ижодий-яратувчанлик даражаларини оширишга қаратилган мустақил ўқиш, муаммоли-интегртив, таркибий-

мазмуний ва қадриятли-семантик компонентларни киритиш орқали такомиллаштирилган

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантиришнинг мазмуни, самарали шакл, метод ва воситалари такомиллаштирилган амалиётга татбиқ этилган; талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини аудиториядан ташқари машғулотларда ривожлантириш бўйича методик тавсиялар ўқув услубий мажмуалар яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммога педагогик ва психологик, методик ёндашиш ҳамда аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантиришда республикамиз ва чет эллик олимлар тажрибаларига асослангани; тадқиқот вазифаларига мос, ўзаро бир-бирини тўлдирадиган тадқиқот методлари қўлланилгани; таҳлил ва тавсифнинг миқдор ва сифат жиҳатдан таъминлангани; тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани ҳамда хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантиришнинг амалий мулоқотга йўналганлик, стилистик дифференциация, таълимнинг ижодий йўналганлиги, фанлараро ва фан ичидаги интеграция тамойиллари; компетенциявий, шахсга йўналтирилган, ижтимоий-лингвистик, интегратив, ижтимоий-маданий, коммуникатив ва тизимли ёндашувлар; таълим мазмуни компонентлари (лингвистик, ижтимоий-лингвистик, ижтимоий-маданий, прагматик) ва дидактик жараёнларнинг педагогик мақбул ечимларини топиш ва натижага эришишнинг босқичларини аниқлаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти “ENGLISH CLUB” тўғараги низоми ишлаб чиқилганлиги, аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантириш бўйича таълим ресурсларидан таълим амалиёти, ўқув ва методик қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантириш бўйича илмий натижалар асосида:

олий таълим муассасалари талабаларининг амалий инглиз тилидан кўникмаларини адаптив ташкилотчилик мотивлари, коммуникатив-тадқиқотчилик, ўзини ўзи назорат қилиш фаолиятининг технологик ва ижодий компонентларини киритиш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар А-1-197 рақамли «Инглиз ва немис тилларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий модуллардан фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришнинг назарий-амалий асослари» амалий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган

(Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20 январдаги 89-03-1957-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур меъерий ҳужжатлар аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантириш учун тўғарақлар фаолиятини самарали ташкил этиш, амалий инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқишларини ошириш имкониятини кенгайтирган;

талабаларнинг дарсдан ташқари машғулотлардаги фаолиятини таълим олишга қизиқишлари, коммуникативлик, ишчанлик қобилияти, эмоционаллик даражаларини гомоген ва гетероген гуруҳларда коммуникатив жараёнларни босқичма-босқич фаоллаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20 январдаги 89-03-1957-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини аудиториядан ташқари машғулотларда ривожлантиришга эришилган;

аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларнинг ижодий фаолиятини репродуктив ва маҳсулдор даражалари “ENGLISH CLUB” тўғарақларида дидактик жараёнларининг педагогик мақбул ечимларни топиш ва натижага эришишнинг босқичларини аниқлаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар А-1-197 рақамли «Инглиз ва немис тилларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий модуллардан фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришнинг назарий-амалий асослари» амалий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20 январдаги 89-03-1957-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур тўғарақ талабаларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш, уларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилган;

талабаларнинг аудиториядан ташқарида мустақил фикрлашини ривожлантириш касбий фаоллик, ижодий-яратувчанлик даражаларини оширишга қаратилган мустақил ўқиш, муаммоли-интегртив, таркибий-мазмуний ва кадриятли-семантик компонентларни киритиш орқали такомиллаштиришга оид таклифлар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20 январдаги 89-03-1957-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг аудиториядан ташқари машғулотларда инглиз тили кўникмаларини эгаллаш самарадорлиги ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 16 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 15 та илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси

Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр эттирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 181 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Замонавий педагогик технологиялар асосида талабаларнинг инглиз тили амалий кўникмаларини аудиториядан ташқари машғулотларда ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида талабаларнинг касбий тайёргарлигида амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати, талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантиришда малака ва ташкилотчилик, шунингдек, талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари баён қилинган.

Ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича чуқур билимга эга бўлиши билан бирга, ўқув жараёнида лозим бўладиган илмий билимларига асосланиб, ўқув жараёнига киришар экан, педагогик ва психологик билимларни мукамал билиши, дарс бериш методикаси ҳамда технологиясини эгаллаган бўлиши лозим. Олий таълим муассасаларида таълим жараёни Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари асосида ташкил этилади. Маълумки, унда таълим ва тарбияни ташкил этиш шакл ва методлари талабаларнинг идрок этиш фаолиятларини фаоллаштиришга хизмат қилади.

Замонавий таълимда тайёр билимларни эгаллаш ва уларни амалда қўллаш билан бирга, креативликка йўналтиришга қодир шундай жараёнлар пайдо бўлдики, бу фаолият ўзгача таълим технологияларини талаб қилади. Авваллари инглиз тили ўқитувчиларининг касбий тайёргарлиги натижалари, асосан, билим, малака ва кўникмалар орқали тавсифланган бўлса, эндиликда олий таълим муассасаларида таълим олиш жараёнида ўқитувчи касбий маҳоратининг тикланиши ҳақидаги масала қўйилмоқда. Буларнинг барчаси инглиз тили ўқитувчиларида касбий тайёргарлигини оширишнинг ўқув-услугий таъминотини илмий асосда ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқаради. Шунингдек, олий таълим муассасаларининг аудиториядан ташқари

машғулотларда талабаларда амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантириш тизимини самарали ташкил этиш зарурлигини белгилайди.

Тадқиқот ишида аниқланишича, аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантириш, хатто улар аъло даражада тил тайёргарлигига эга бўлган, педагогика, психология ва таълим методикасини яхши билганда ҳам, амалий инглиз тилини мукаммал билиш даражасига кўтарила олмайди. Бу ўқитувчининг ташкилотчилик кўникмаларини етарлича эгалламаганлиги сабабли юзага келади. Бу кўникмаларсиз ўқитувчи таълимнинг янги технологияларини самарали жорий эта олмайди, шунингдек, ўқувчилар билан чинакам педагогик мулоқот ҳам ўрната олмайди. Касбий маҳорат муаммоси педагогик-психологик ва методик адабиётларда фақат касбий ўсишнинг маълум босқичларини ўтаган мактаб ўқитувчиларига нисбатан ўрганилади. Шунини таъкидлаш лозимки, амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантириш олий таълим муассасаларида аудиториядан ташқари машғулотларда ўтказиш ўринлидир.

Диссертацияда аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантиришда ташкилотчилик кўникмалари; муаммоли маърузалар, маъруза-сухбатлар, маъруза-диспутлар, семинар-мунозаралар, илғор тажрибани ўрганиш бўйича семинарлар, семинар-практикумлар, муаммоли ўйинлар, ролли ўйинлар, термин ўйинлари, ғоялар аукциони ва бошқа кўплаб ўқитишнинг фаол шакллари ёрдамида талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантириш орқали қуйидаги вазифаларини ҳал қилиш мумкинлиги асослаб берилди: нафақат билиш, балки касбий мотив ва қизиқишларни ривожлантириш; мутахассиснинг, табиат ва жамиятнигина эмас, балки ўзини, ўзининг дунёдаги ўрнини ҳам яхлит тушунишини ўз ичига оладиган, тизимли фикрлашни тарбиялаш; касбий фаолият ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилиш, касбий фаолиятида инглиз тили терминларини қўллаш олиш; жамоавий фикрлаш ва амалий ишларга ўргатиш, ўзаро ҳамкорлик ва мулоқот, индивидуал ва ҳамкорликда қарор қабул қилиш ижтимоий малака ва кўникмаларини шакллантириш, ишга масъулиятли муносабатни тарбиялаш; моделлаштириш ва ижтимоий лойиҳалаштириш методларини эгаллаш. Бу вазифаларнинг ҳаммасини аудиториядан ташқари машғулотларда ўқитишнинг фаол, инновацион шаклларида фойдаланиб, талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантириш, фақат бир шарт билан – бу фаолият асосида тизимли ёндашув бўлганида, муваффақиятли ҳал қилиш мумкин, деб таъкидланган.

Тадқиқот доирасида олий таълим муассасаларида аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантириш билан бирга лойиҳалаштириш, адаптация (мослаштириш), ташкилотчилик, мотивациялаш, коммуникатив, тадқиқотчилик, назорат ва ўзини ўзи назорат қилиш каби ёрдамчи кўникмалари ривожлантирилди. Олий таълим муассасаларида аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантириш давомида талабаларда ташкилотчилик кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида ўрин ажратилди.

Шундай қилиб, аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларда амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантириш, касбий маҳоратини такомиллаштириш уларнинг касбий кўникмаларини эгаллаши воситасида амалга оширилади. Бунда уларни эгаллаганлик даражаларини фарқлаш мумкин. Касбий маҳорат даражалари ташкилотчилик кўникмаларининг ривожланганлик даражаси билан қуйидагича нисбатланади: рецептив даража методик билимлар тизимини эгаллаганлик, яъни саводхонлик даражаси асосида фаолият кўрсатади ва унга хизмат кўрсатади; репродуктив даража методик кўникмалар тизими асосида фаолият кўрсатади ва касбий фаолиятда намоён бўлади; маҳсулдорлик даражаси эса ўқитувчининг маҳоратини таъминлайди.

Диссертациянинг **“Талабаларда инглиз тили амалий кўникмаларни аудиториядан ташқари машғулотларда ривожлантиришнинг ташкилий-методик асослари”** деб номланган иккинчи бобида талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантиришнинг шакл ва воситалари, талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантиришда инновацион методлар, талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантириш методикаси баён этилган.

Талабаларда тил малакаларини шакллантиришда индивидуаллаштириш технологияси ижобий самара беради. Педагог олимлар Инге Унт, Границкая, В.Д. Шадриков тадқиқотларида индивидуал ўқитиш ўқув жараёнини ташкил этиш шакли модели сифатида белгиланади. Унинг ўзига хос муҳим дидактик жиҳатлари мавжуд бўлиб уларни қуйидагича ифодалаш мумкин: педагог талаба билан яккама-якка яқиндан коммуникацион муносабатда бўлади; ҳар бир талаба ўқитиш воситалари (китоблар, компьютер, интернет, ОАВ материаллари) билан ўзаро ижодий эркин алоқада бўлади ва танлаш имкониятига эга; талабани яқиндан билган ҳолда ривожланишига эркин муҳит яратиб бериш муҳим.

Талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантиришни аудиториядан ташқари машғулотларда ташкил қилишнинг барча шакллари иккита катта гуруҳга бўлинди: ўқув фаолиятини ташкил қилиш шакллари: ўқитувчи, талабаларнинг бевосита ўқув мулоқоти; талабаларнинг у ёки бу ўқув материали билан ишлаши – билвосита мулоқот.

Биринчи гуруҳни ўқув жараёнида бевосита мулоқот учун қўлланадиган ўқув фаолиятини ташкил қилиш шакллари ташкил этади. Улар, ўз навбатида, гуруҳ ва умумсинф (“мунозарали”) шаклларга бўлинади. Фикримизча, исталган ўқув гуруҳи (синф) нутқий жамоа бўлгани туфайли, бу жамоадаги ўзаро ҳамкорликнинг мумкин бўлган барча чизмаларини ажратдик ва уларни гуруҳли (2-3, 4-5 талаба) ва умумсинф шакллари (бутун нутқий жамоа) бўлдик. Иккинчи гуруҳни ўқув фаолиятининг индивидуал шакллари ташкил этади, улар “талаба - ёзма/овозли/видео материал” жадвали бўйича амалга оширилади.

Гуруҳли ўқув фаолиятини ташкил қилиш шакллари (жуптик, триада ва кичик гуруҳда ишлашни киритдик).

Диссертацияда олий таълим муассасаларида аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методлар: оғзаки журнал, методик фикр конструкторлик бюроси, микродарс – этюдлар ўйнаш, мантик мактаби, «варрак», лойиҳалар ҳимояси, конференция, мунозара (дискуссия), ролли ўйин, иш ўйини ёритилган. Бу инновацион методлар замонавий таълим жараёнида ўз мавқеига эга. Уларни алоҳида ажратишга сабаб – уларнинг ҳаммаси олий таълим муассасаларида аудиториядан ташқари машғулотларда биргина позицияда синовдан ўтказилди: улар талабаларнинг ташкилотчилик кўникмалари асосида амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилди.

Аудиториядан ташқари машғулотларда иш ўйинини самарали ташкил этиш талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантиришда кўплаб афзалликларга эга. Иш ўйини бевосита талабаларнинг касбига йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Ўйин жараёнида билимларни ўзлаштириш, мутахассис учун зарур кўникма ва малакаларни эгаллаш каби «касбий меҳнат предметли ва ижтимоий аспектда» амалга оширилади. Иш ўйинида педагогик фаолиятнинг мазмуни ва қурилмаси моделлаштирилади; ўйин мутахассиснинг касбий сифатлари шаклланишига кўмаклашади, реал шароитларга яқинлаштирилган шароитларда талабалар касбий маҳоратни пухта эгаллайдиган ўзига хос “полигон” саналади. Иш ўйини билим ўзлаштиришнинг индивидуал усули ва бўлажак меҳнатнинг жамоавий характери ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилишга кўмаклашади. Иш ўйинида назария ва амалиёт интеграцияси таъминланади, ўқув фанларида баён қилинадиган назария билан иш амалиёти ўртасидаги узилиш камайтиради, талабалар касбнинг назарий асосларини тушуниши осонлашади, яхшиланади, таълим олувчилар назарий тайёргарликнинг амалий фаолият учун зарурлигига ишонч ҳосил қилади.

Иш ўйини талабанинг шахсий потенциалини очиб беради: ҳар ким ўз имкониятларини алоҳида ва бошқалар билан биргаликдаги фаолиятда ташҳислай олади. Талаба нафақат касбий вазиятнинг, балки ўзлигининг ҳам яратувчисига айланади. Иш ўйини касбий фаолиятнинг индивидуал услуби шаклланишига кўмаклашади.

Иш ўйинини олий таълим муассасаларида ўқишнинг юқори босқичларида, талабалар педагогика, методика, психология, фалсафа, лингвистикадан етарлича ҳажмдаги билим ва мактаб амалиётини ўташ бўйича маълум тажрибага эга бўлганида ўтказиш мумкин, деб ҳисобланади.

Фикримизча, талабаларнинг назарий фикрлаши, уларнинг мустақиллигини ривожлантириш, ўз касбга қизиқишини орттириш, касбий фаолиятнинг индивидуал услубини шакллантириш учун иш ўйини биринчи машғулотлардан оқ жорий қилиниши керак.

Диссертацияда, аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларнинг ташкилотчилик асосида амалий инглиз тили кўникмаларини

ривожлантиришда ноанъанавий ўқув фаолиятини ташкил қилиш методикаси баён этилган.

Аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантиришнинг ноанъанавий шакллари 1-3 курсларида English club тўғараги бўйича машғулотлар давомида синовдан ўтказилди.

Тўғаракнинг вазифалари талабалар ўқув фаолиятини ташкил қилишнинг турли шакллари, жумладан, ноанъанавий дарс шакллари билан таништириш, талабаларни триада, гуруҳ, жамоаларда ишлаш технологияларига ўргатиш, талабалар ўқув фаолиятининг ноанъанавий шакллари ўтказиш алгоритми билан таништириш ва конференция, лойиҳалар ҳимояси, драммалаштириш, мунозара, ролли ўйин, иш ўйини каби шакллари ўтказишга ўргатиш билан белгиланди.

Машғулотлар шундай ташкил этилдики, дастлаб талабалар амалий машғулотларда қатнашиб, рефератлар устида ишлаб, назарий тайёргарликка эга бўлди. Кейин талабалар машғулот учун таклиф қилинган ўқув фаолиятини ташкил этишнинг ноанъанавий шакллари билан бирини танлаб, шу машғулот учун режа-конспект ёзиши, ўқитувчи билан маслаҳатлашиши ва шу машғулотни ўқитувчи сифатида талабалар иштирок этадиган аудиториядан ташқари машғулотларда ўтказиши керак бўлади.

“Пинг-понг” атамашунослиги стратегияси. Инглиз тилидаги янги атамаларнинг ҳар бири турли вазиятларда ҳар хил мақсадда, бир неча мазмунда ишлатилади. Ушбу стратегиядан фойдаланиш инглиз тилидаги янги атамаларнинг мазмун ва моҳиятини мукаммал ўзлаштиришда муҳим роль ўйнайди. Ўқитувчи карточкаларга янги атамаларни ёзади ва талабаларга конвертларда тарқатади. Ҳар бир талаба навбат билан карточкасидаги атамани ўқийди иккинчи талаба эса унинг мазмунини, грамматик хусусиятларини изоҳлаб беради. Навбатда иккинчи талаба ўз карточкасидаги сўзни ўқийди кейинги талаба эса сўзни изоҳлайди. Талабалар томонидан изоҳланган сўзлар ҳақида қўшимчалар бўлса гуруҳ талабалари томонидан тўлдирилади, савол-жавоб ҳам қилинади. Шу тарзда “карусель” тарзидаги савол-жавоб жараёни вужудга келади. Шу тарика ўтиладиган дарсда учрайдиган янги сўзларнинг мазмун ва моҳияти талабалар томонидан чуқур ўзлаштирилади. Савол-жавоб охирида муҳим камчилик ва хатолар муҳокама қилинади ва талабалар билими баҳоланади. Ушбу “пинг-понг” интерфаол стратегия асосида ўтиладиган дарслар жуда қизиқарли ва самарали натижа беради.

Инглиз тили дарсларида интерфаол усуллар инглиз тилида грамматик қоидалар, сўзларнинг тўғри ёзилиши ва ишлатилиши, ёдда тез ҳамда яхши сақланишида самарали натижа беради. Биз тажриба-синов ишлари жараёнида муаллифлик интерфаол усулини ҳам ишлаб чиқдик ва амалиётда синовдан ўтказдик. Уни “Танлов” усули деб номладик. Уни ташкил этиш методикаси қуйидагича бўлади:

Тили ўрганилаётган мамлакат анъаналари, маданияти, санъати, таомлари, урф-одатлари, кийимлари ва бошқалар ҳақида ёзма хикоялар тайёрлайди ва уни гуруҳ жамоаси олдида тақдимот қилади. Гуруҳ янги ўтиладиган мавзу доирасида ижтимоий ҳаётда қўлланиладиган энг муҳим сўзлардан бир нечтаси орфографик, пунктуацион хатолар билан ёзилиб конвертларда талабаларга тарқатилади.

Талабалар ушбу сўзларнинг хатоларини тўғрилашлари лозим ва уларнинг синоним, антоним ва омоним вариантларини топиб ёзишлари керак.

Талаба шу сўзлар билан боғлиқ Ўзбекистон, Англия, Америка мамлакатлари қадриятлари дараҳти, диаграммаси, календари ёки жадвалини яратиши ва уни тақдимотини қилиши лозим. Масалан, байрам (Holiday) сўзи асосида ушбу усулда қандай машғулот ташкил этиш мумкин.

Ўзбекистондаги байрамлар: Мустақиллик байрами, Наврўз байрами, Хотира ва қадрлаш куни, социолингвистик байрамлар, Ўзбекистон Конституцияси куни, Ийд Рамазон ва Қурбон хайити байрамлари, Ҳосил байрами, Янги йил байрами, Хотин-қизлар байрами ва бошқалар.

Англия байрамлари: Янги йил, авлиё Валентин куни, 22 март оналар куни, Вальпургиев туни, Хеллоуин, Рождество, Андрей куни, авлиё Патрик куни, авлиё Стефан куни, турли хил йилма-йил нишонланадиган фестиваллар.

Америка байрамлари: Янги йил, Мартин Лютер Кинг куни, Президентлар куни (Джордж Вашингтоннинг туғилган куни), Хотирлаш куни, Мустақиллик куни, Меҳнат куни, Колумб куни, Ветеранлар куни, Рождество ва бошқалар.

Топшириқни бажараётган ҳар бир талаба у ёки бу байрам тарихи, ривожланиш босқичи, ижобий ёки салбий томонлари, дунё халқлари маънавиятига таъсири, байрам анъаналари мавзусида талаба билан савол-жавоб ўтказиши мумкин.

Ушбу жараёнда иштирок этаётган талабалар гуруҳ жамоаси томонидан баҳоланади. Мазкур усул талабани ўз устида ижодий, мустақил ишлашга ўргатади. Гуруҳда фаоллик муҳити вужудга келади. Талабанинг ижтимоий лингвистик билим, малака ва кўникмалари шаклланиб боради, толерантлик тафаккури ривожланишга эришилади. Мамлакатлар, миллатлар, халқлар маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналари ҳақидаги талаба билими жамоавий, адолатли баҳоланади.

ОСКИ (OSCE) - бу объектив структуралашган клиник имтиҳон бўлиб, талабалар имтиҳон вақтида маълум бир белгиланган вақт давомида кетма-кетликда клиник вазифаларни ечимини топишидан иборатдир. Ушбу методдан тиббиётда кенг фойдаланилади. Лекин амалий машғулотлари кўп бўлганлиги сабабли инглиз тили дарсларида ҳам талаба билимини баҳолашда ушбу методдан фойдаланиш мумкин. Яъни лингафон хоналари ёки инглиз тилини ўрганишга мўлжалланган махсус лаборатория хоналарида талабалар билимини баҳолаш учун вазият яратилади. Олдиндан ўтилган мавзулар бўйича хилма-хил вазифалар педагогик вазиятлар, карточкалар, топшириқлар, суҳбат мавзулари ва бошқа шакллардаги ўқув-методик материаллар

тайёрланади ва уларга тайёрланиши учун берилади. Улар эксперт гуруҳлари олдида (гуруҳ чуқур билимга эга бўлган талабалар ўқитувчилар, хорижий ўқитувчи олимлардан иборат бўлиши мумкин) ёки мавзу бўйича яратилган табиий муҳитда (партия, ишлаб чиқариш корхоналари, муассаса ва ташкилотлар, бинолар ва ҳ к) мавзу доирасида ўз билим, малака ва кўникмаларини намоёниш этадилар.

Бунда педагогнинг вазифаси нафақат илмий-назарий билимни, балки талабанинг ҳар томонлама дунёқарашини, амалий кўникмаси ўзини тутишини, ижтимоий маданиятини, ишонтира олиш қобилиятини, ўз имиджини тақдирот қилишини ҳам баҳолашдан иборат бўлади.

ОСКИнинг афзалликлари: талабаларнинг фан ёки модуль бўйича амалий кўникмаларини баҳолашнинг қулай усули; баҳолаш варағининг мавжудлиги талабалар билим ва кўникмаларини объектив баҳолаш имконини беради; талаба бир вақтнинг ўзида бир нечта индикаторлар асосида баҳоланади; - талабанинг мавжуд билим, кўникма ва малакалари комплекс равишда ўзини намоён этади; назорат вақти тежаллади; педагог ҳам талаба ҳам фан, мавзу, билим ёки модуль бўйича уз фаолиятининг ютук ва камчиликларини доимий назорат қилиб боради; талабани мустақил ўз устида ишлашга, эркин фикрлашга ўргатади.

ОСКИнинг камчиликлари: ҳамма вақт ҳам мазкур методдан фойдаланиш учун махсус муҳит бўлмаслиги мумкин; талабалар учун тайёрланадиган топшириқлар учун кўп вақт талаб этилади.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасалари талабаларининг амалий инглиз тил кўникмаларини аудиториядан ташқари машғулотларда ривожлантириш самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишларининг ташкил қилиниши, мазмуни тавсифланган, тажриба-синов натижаларининг математик статистик таҳлили баён этилган ва унинг самарадорлиги асослаб берилган.

Тажриба-синов ишлари 2017-2020 йилларда Тошкент педагогика университети, Тошкент Педиатрия тиббиёт институти, Урганч давлат университетида олиб борилди ҳамда самарадорлик кўрсаткичлари юқори (5 балл), ўрта (4 балл) ва паст (3 балл) даража мезони бўйича баҳоланди.

Педагогик тажриба-синов ишлари натижалари таққосланиб, тажриба гуруҳларидаги натижалар самарали экани аниқланди.


Тажриба-синов натижасида олинган маълумотлар бўйича статистик таҳлил ишлари χ^2 мезони асосида олиб борилди ва қуйидаги натижалар олинди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Тажриба ва назорат гуруҳлари талабаларининг тажриба-синовда эришган натижа кўрсаткичлари ва статистик ҳисоблар


Баҳолаш мезони	ОТМ	Тошкент давлат педагогика университети		Педиатрия тиббиёт институти		Урганч Давлат Университети		Жами	
	Гуруҳлар	ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ
	Талабалар сони Баҳо қиймати	100	104	96	98	93	98	289	300
Юқори	5	15	8	14	9	13	7	42	24
Ўрта	4	61	26	65	24	62	30	188	80
Қуйи	3	24	70	17	65	18	61	59	196
Ўртача қиймат		3,91	3,40	3,97	3,43	3,95	3,45	3,94	3,43
Самарадорлик		1,15		1,16		1,14		1,15	
Хи квадрат		38,66		48,06		36,23		121,87	
Танланма дисперция		0,39	0,40	0,33	0,43	0,33	0,39	0,35	0,41
Ўртача квадратик четланиш		0,62	0,63	0,57	0,66	0,58	0,63	0,59	0,64
Вариация кўрсаткичлари		0,16	0,19	0,14	0,19	0,15	0,18	0,15	0,19
Ишонч четланишлари		0,12	0,12	0,11	0,13	0,12	0,12	0,07	0,07
Ишонч интервали		3,79	3,28	3,85	3,30	3,83	3,32	3,87	3,35
		4,03	3,53	4,08	3,56	4,06	3,57	4,01	3,50
Сифат даражасини баҳолаш кўрсаткичи		1,07		1,08		1,07		1,11	
Билиш даражасини баҳолаш кўрсаткичи		0,51		0,56		0,50		0,52	
Критерий хулосаси		H ₁		H ₁		H ₁		H ₁	

Энди олинган натижалар асосида тажриба-синов ишларида гуруҳлар талабалари натижаларининг ўртача қийматларини солиштириш мақсадида уларнинг график кўринишини ифодалаймиз:



1-расм. Ўртача қиймат кўрсаткичлари

Тажриба якунидаги самарадорлик кўрсаткичлари диаграммаси қўйидагича кўриниш олди:



2-расм. Самарадорлик кўрсаткичлари

Жадвал ва диаграммалардан кўринадики, барча олий таълим муассасаларида тажриба ва назорат гуруҳларининг ўртача қийматлари бир-биридан фарқ қилиб, тажриба гуруҳида самарадорлик кўрсаткичлари мос равишда 1.15, 1.16, 1.14 баробарга, ўртача ҳисобда 1.15 баробарга юқори, Хи квадратнинг $T_{қузатув}$ қиймати $T_{критик}$ қиймат(5.99) дан катта бўлиб, танланма дисперсия асосида аниқланувчи вариация кўрсаткичлари тажриба гуруҳларида паст, ҳар иккала гуруҳдаги ишонч оралиқлари бир-бири билан кесишмайди ва берилган ғояларнинг сифатини баҳоловчи кўрсаткич бирдан катталиги, талабаларнинг билиш даражасини баҳоловчи кўрсаткичнинг нолдан катталиги илгари сурилган H_1 гипотеза қабул қилинишига олиб келади. Бу эса, тажриба якунида тажриба гуруҳларидаги ўзлаштириш даражасининг юқори эканини билдиради.

Тажриба-синов ўқитиш кесимлари натижалари таҳлили кўрсатдики, аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларнинг касбий фаолиятида амалий инглиз тили кўникмалари ривожланганлик даражаси тажриба

гуруҳларида дастлабки натижаларга нисбатан: ташкилотчилик кўникмалари юқори даражаси 5,9 % дан 14,5% га ошганлигини, ўрта даражаси 23,1 % дан 63,5 % гача ўсганлигини, кўйи даражаси эса 68,9 % дан 20,4 % гача камайганлигини кўриш мумкин.

Инновацион технологиялар асосида яратилган ва олий таълим муассасаларида аудиториядан ташқари машғулотларда таълим жараёнига татбиқ қилинган методик қўлланмалар, тўғарак машғулотли ишланмалари, методик кўрсатмалар талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмалари, билимлари савияси сезиларли даражада ошишига олиб келди. Бу ўз навбатида, тадқиқот натижалари самарадорлиги ва методик тавсия ҳамда ишланмаларнинг илмий-педагогик нуқтаи назардан ишончилигини тасдиқлайди.

ХУЛОСА

1. Олий таълим муассасаларида кадрларни касбий тайёрлаш тизимини аудиториядан ташқари машғулотлар орқали продуктив даражага кўтариш, замонавий шароитларда ўз фаолиятининг инновацион метод ва шакллари кўллаб, ҳаракат қилиш ва яратишга қодир, ижодкор шахсни тайёрлашни талаб қилмоқда. Бироқ бугунги кунда бу каби профессионални тайёрлаш муаммоси тўлиқ ҳал этилмаган. Бунинг асосий сабаблари: кадрларнинг касбий тайёргарлик тизими предметли, бироқ касбий бўлмаган йўналганлиги, касбий кўникмаларни ривожлантириш жараёнининг тартиблаштирилмагани, стихиялилиги олий таълим муассасаси талабалари касбий тайёргарлигининг инновацион шакл, метод ва воситаларини жорий этиш зарурлигини белгилайди.

2. Олий таълим муассасаларида аудиториядан ташқари машғулотларда касбий фаолиятни такомиллаштириш шакли сифатида талабаларнинг ташкилотчилик асосида амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантиришнинг самарали методлари аниқланган.

3. Олий таълим муассасаларида аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларда ташкилотчилик асосида амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантириш мақсадида таълимни ташкил қилишнинг ноанъанавий шакллари, инновацион методикалар асосида тизимли ёндашувни жорий этиш кенг имкониятлари аниқланган.

4. Инглиз тили ўқитувчилари аудиториядан ташқари машғулотларда талабалар фаолиятининг турли шакллари: ўқитувчи ва талабаларнинг бевосита ўқув мулоқоти; талабаларнинг у ёки бу ўқув (ёзма, овозли, видео) материали билан ишлашни ташкил қилиш; жуфтлик, триада ва гуруҳ шаклларида фойдаланиши мумкин. Бу жараёнда ўқитувчи, талаба ҳам ташкилотчи сифатида фаолият олиб бориши белгиланган.

5. Бугунги кунда илмий-техник тараққиёт тезлашиши, ахборот оқимининг катталиги ва тезкор янгиланиши, иқтисодиётнинг байналминаллашиши ва глобаллашуви фонида жамиятнинг янги ижтимоий буюртмаси – ўзгарувчан шароитларга енгил ва мос реакция қиладиган, қарорларни тезкор қабул қиладиган, жамоада ва жамоа билан ишлай оладиган рақобатбардош мутахассис, шахсга эҳтиёж ошиб бормоқда. Бундай шахсни

таълимнинг муаммолилик, тадқиқотчилик элементлари киритилган, талабаларнинг мустақил ишларидан фойдаланилган фаол шакллари ва методлари орқали ўқитиш жиҳатлари такомиллаштирилган.

6. Ўқитишнинг фаол шакллари, инновацион методикалари олий таълим муассасалари талабаларининг касбий тайёргарлик тизими функционал йўналганлиги принципини амалиётга қўллашга ёрдам бера олади. Аудиториядан ташқари машғулотларда ўқитишнинг фаол шакллари ёрдамида талабалар касбий тайёргарлигининг касбий мотив ва қизиқишларни шакллантириш, ижодий фикрлашни тарбиялаш, жамоа билан ва жамоада ишлай олиш малакасини шакллантириш ва ш.к. вазифаларини ҳал қилиш орқали талабаларда ташкилотчилик асосида амалий инглиз тили кўникмалари ривожлантирилган.

7. Олий таълим муассасаларида аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларнинг касбий тайёргарлик тизими функционал йўналганлиги тамойилини амалиётда қўллаш бўйича муваффақиятли фаолият асосини тизимли ёндашув ташкил этади. Бунда ўқитишнинг фаол шакллари турли кўринишларда олиб боришга назарий тайёргарлиги талабалар амалий фаолиятининг турли фаол шакллари кўзда тутадиган амалий тайёргарлик билан такомиллаштирилган.

8. Олий таълим муассасаларида аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантиришнинг асосий бирлиги касбий: лойиҳалаштириш, мослаштириш, ташкилотчилик, мотивацион, коммуникатив, тадқиқотчилик, назорат ва ўз-ўзини назорат, ёрдамчи малакалари ташкилотчилик асосида амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантирилган.

9. Олий таълим муассасаларида аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмаларини ривожлантиришда ташкилотчилик кўникмаларини ривожлантириш интегратив ёндашув асосида ташкил этилган. Гуруҳдаги мулоқотни ташкил қиладиган ўқитувчининг ҳаракатлари – нутқий гуруҳларни ташкил қилиш, топшириқларни тақисимлаш, талабалар ва консультантларга йўриқнома бериш, талабалар ишини назорат қилиш, иш натижаларини баҳолаш; лойиҳалаштириш, мослаштириш, мотивацион, коммуникатив, тадқиқотчилик, назорат ва ўз-ўзини назорат, ёрдамчи малакаларни ривожлантириш. Ташкилотчилик кўникмалари билан интеграцияланган.

10. Ўтказилган тадқиқот натижасида олий таълим муассасаларида яхлит педагогик жараёнда аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларнинг амалий инглиз тили кўникмалари ноанъанавий шакллар, инновацион методикалардан фойдаланган ҳолда талабаларнинг мақсадли, изчил ва мувофиқлаштирилган фаолияти ривожлантирилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.03/ 30.01.2020.Ped.26.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

МАХАМЕТОВА ДИЛНАВОЗ БОТИРОВНА

**РАЗВИТИЕ ПРАКТИЧЕСКИХ НАВЫКОВ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА
У СТУДЕНТОВ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ ВО
ВНЕАУДИТОРНЫХ ЗАНЯТИЯХ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

ТАШКЕНТ– 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.1.PhD/Ped408.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу: www.tdpu.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу: www.ziynet.uz.

Научный руководитель:

Уста-азизова Дилноза Ахраровна
кандидат педагогических наук, доцент

**Официальные
оппоненты:**

Хакимова Мухаббат Файзиевна

доктор педагогических наук, профессор

Кадирова Фазилат Шукуровна

доктор философии по педагогическим наукам
наук, (PhD)

Ведущая организация:

**Самаркандский государственный институт
иностранных языков.**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2022 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, дом 27. Тел.:(99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за №___). Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, дом 27. Тел.:(99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2022 года.
(реестр протокола рассылки №_____ от _____ 2022 года).

Б.С.Абдуллаева
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.п.н.

Р.Г.Исянов
Секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.п.н.доц.

Н.А.Муслимов
Председатель ученого семинара
при Ученом совете по присуждению

ученых степеней, д.п.н. профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В условиях интеграции в мировое сообщество в образовательный процесс внедряются педагогические механизмы повышения качества обучения иностранным языкам в мировых масштабах и обеспечения единообразия в соответствии с квалификационными требованиями CEFR (Common European Framework of Reference for Language). В частности, такие международные организации, как ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Ассоциация европейских университетов, Европейская сеть по обеспечению качества в высшем образовании, работают над проблемами самостоятельной внеаудиторной деятельности будущих специалистов. При изучении практического иностранного языка, особенно английского в качестве языка международного общения на уровне профессиональных требований особое внимание уделяется организации аудиторного и внеаудиторного самостоятельного образования, отдавая приоритет практическим навыкам.

В ведущих высших образовательных и научно-исследовательских учреждениях мира проводятся исследования в области развития практических навыков владения иностранным языком в соответствии с требованиями общеевропейских требований CEFR, совершенствования содержания обучения и образовательных технологий, развития профессиональных компетенций студентов разных стран на основе взаимного сотрудничества, диагностики уровня развития практического владения навыками иностранного языка. Вместе с тем, особое внимание уделяется внедрению компетентностного подхода в преподавании будущим специалистам практического иностранного языка, совершенствованию системы управления качеством обучения английскому языку, широкому внедрению инновационных методов обучения, активизации социальной коммуникативности, совершенствованию лингвистической подготовки.

В нашей республике за последние годы созданы нормативно-правовые основы и материально-техническая база для модернизации высшего образования в соответствии с требованиями цифровой экономики, широкого внедрения в данную сферу современных педагогических и информационно-коммуникационных технологий, а также инновационных методов обучения, развития практических навыков студентов владения иностранным языком во внеаудиторных занятиях на основе международных требований. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены в качестве приоритетных задачи «продолжение курса дальнейшего совершенствования системы непрерывного образования, углубленное изучение иностранных языков, повышение качества и эффективности деятельности высших образовательных учреждений на основе внедрения

международных стандартов обучения и оценки качества преподавания»¹. В результате, создаются условия для дальнейшего развития знаний и навыков студентов по практическому иностранному языку во внеаудиторных занятиях в высших образовательных учреждениях.

